

КЎНГИЛ ТАСВИРИ

Ашурова Н.Х.*

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёзувчи Эркин Аъзамнинг “Сув ёқалаб” асардаги киноявий тасвир талқин қилинган ҳамда асар қаҳрамонлари тилида, воқеалар тизимида киноя, кесатиқ, пичинг ҳамда ибора ва маталарни қандай ёритиб берилганлиги тўғрисида тўхталинган. Болта Мардон, Ўринбой, Бозорбой, Ботир каби образларни гавдалантиришида киноявий тасвир қандай рол ўйнаганлиги “Сув ёқалаб” асаридаги воқеа-ҳодисаларда киноя, кесатиқ, пичинг ҳамда рамзий маънолар салмоғини ёритишга ҳаракат қилинган. Шу билан бир қаторда ёшларни тарбиялашда бадиий адабиётнинг ўз ўрни борлиги асосланган ҳолда ёритиб берилган.

Калим сўзлар: *Ноёб туйғу, кўнгил, ҳақиқат тимсоли, комиллик, ўзликни англаш, аччиқ киноя, миллатга хос, моҳият.*

Кўнгил – энг ноёб туйғуларнинг мукаддас кўрғони, жисми жонимизга ҳадя этилган энг ардоқли хазина. Нурдай шаффоф, гулдай нозик, биллурдек нафис. Одамзотни жамики мавжудодлардан улуғ сифатларининг Ватани кўнгил. У чексиз осмонга ўхшайди. Оламни ёрқин рангларда кўрмоқлик имконини берувчи ҳаёт ишқи билан лиммо-лим. Бу маконда фақат унинг ўзигагина таниш ва маълум ҳақиқат тимсоли яшайди. Кўнгил уйимиз адолат ва эзгулик истаги, комиллик ва ўзликни англаш орзуси билан мунаввардир.

“Кўнгилга йўл топиш”, “кўнгил олиш” заҳматли юмуш. Ахир “бўйимдай бўй топдим, кўнглимдай кўнгил топмадим” дея зорланганлар қанча?.. “Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир” дея нола чекканлар камми? Кўнгил энг нозик яралмиш. Кўнгилни асраш эса ундан-да нозик иш...

Ёзувчининг кўнглида кечган сир-асрорлар пинҳоний. Унинг ўз туғёнлари, ўз тўлқинлари, чакмоқлари, ёмғирлари бор. Бироқ қаламкаш қалбининг офтоби борлиққа энг ёруғ нурлар тортиқ этишга қодир. Унинг ёғдулари

*Ашурова Н.Х. – Тошкент фармацевтика институти Тиллар кафедраси ўқитувчиси

юракларга яшаш завқини тортиқ этади. Ҳаёт моҳиятини тушунишга, инсон қадрини юксак тутишга, юртни севиш, ҳақиқатга тик боқиш, яхшилик умиди билан яшаш, оқ ва қорани англашга ўргатади. Самимий, кўнгилнинг ғуборсиз манзилларидан қоғозга тўкилган туйғулар юракларга осон этади. Ёзувчи Эркин Аъзам битикларида ҳам мана шу самимият, беғуборлик, халққа яқинлик ва албатта, бироз кинояли қочиримлар кўзга ташланиб туради. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ёзувчи кўнгил тасвирини ўз асарларида нозик ифодалаш асносида, аччиқ киноявий сўзлар воситасида ҳаёт фалсафасидан баҳс юритади.

Эркин Аъзамнинг илк ҳикоясидаёқ бўртиб кўринган ва унинг ижодий тақомилида қудратли бир қанот бўлиб хизмат қилган бу миллийлик, ўзбек миллатига хос бўлган туйғуларни ўзида мужассамлаштира олган сифатларни маҳорат билан тасвирлайди ҳамда киноявий ифода тарзи адибнинг индивидуал услубига асосланиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Эркин Аъзам кейинги йилларда, хусусан, мустақиллик йилларда баракали ижод қилиб, нафақат китобхон балки адабиётшунос олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

Адибнинг кейинги йилларда нашр этилган “Пақананинг ошиқ кўнгли” (2001), “Кечикаётган одам” (2002), “Жаннат ўзи қайдадир?” (2007) ва “Шовқин” (2011) китобларига киритилган асарлари миллий насримизда янгича мазмун, янгича қиёфа кашф этилганлигини исботлайди. Зеро, адабиётшунос Абдуғофур Расулов таъкидлаганидек, “Ёзувчи”, “Сув ёқалаб” асарларида Эркин Аъзам услуби аниқ сезилади. Айни вақтда, ҳар икки асар ўз структураси, жанрига кўра алоҳида услубни юзага келтирган” [1].

Ҳақиқатдан ҳам Эркин Аъзам ижодининг дастлабки босқичларига қараганда, кейинги яратилган асарлари (“Ёзувчи”, “Аралашқўрғон”, “Қиёфадош”, “Сув ёқалаб”, “Забаржад”)даги ўзига хос услубий теранлик, киноявий, қочиримли сўзларнинг янада сайқалланганлигини, фалсафий тус олганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, адабиётшунос Абдулла Улуғов эътироф этганидек, “Эркин Аъзамов воқеаларни чиройли нақл қилиш,

қахрамонларни таъсирчан сўзлатиш билан чекланмайди. У ҳодисаларнинг моҳиятини очишга, бугунги кун кишиларининг дунёқарашидаги ўзгаришларни таҳлил қилишга интилади”[²].

Адибнинг “Жаннат ўзи қайдадир?” тўпламига киритилган “Сув ёқалаб”, “Забаржад”, “Жаннат ўзи қайдадир?” қиссалари бугунги кунда таҳлилга тортилмай келинмоқда. Ёзувчининг бу янги асарлари ғоявий-бадиий мундарижасининг теранлиги, тасвир ва ифода ранг - баранглигининг кенгайганлиги, қахрамон тасвирида ҳаққонийлик, тилида киноявий, қочиримли сўзларнинг маҳорат билан қўлланганлиги боис ўзгача жозибадорлик касб этгани диққатни тортади.

Бу хусусият адибнинг аввалги асарларидаги изланишларининг давоми, сайқалланган бадиий киноявий услуб такомилининг ифодасидир. Гарчи олдинги ва кейинги асарлар яратилган вақт оралиғи унча узоқ бўлмасада, сўнги ўн йилдаги асарлардаги воқеликни янгича англаш, унинг моҳиятига чуқур кириб бориш, бадиий кашф маҳоратининг ўсганлиги ҳамда қахрамонлар тилининг ранг-баранглиги, ҳажвий-юморга бой тарзда ифодалана борганлиги билан ажралиб туради.

Эркин Аъзам ижодида киноя турли кўринишларда намоён бўлган, баъзида муаллифнинг ўз тилидан келтирилган сўз ибора ҳамда мақол ва маталларда, бошқа пайтларда эса персонажларнинг ўзаро муомила-муносабатларида зоҳир бўлади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, адиб ўзини азоблаган бугунги кун муаммоларига муносабатини аччиқ киноя, пичинг, қочиримларга ўраб ифодалайди. Бу эса ёзувчининг ҳаётимиздаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмаслигидан далолатдир. “Жаннат ўзи қайдадир?”, “Сув ёқалаб”, “Забаржад” асарларида ҳам адибнинг ҳаётимиздаги ноҳақликлардан, кишиларнинг қон-қонига сингиб кетган иллатлардан норозилиги, безовталиги сезилиб туради.

“Сув ёқалаб” асарининг бош қахрамони Болта Мардон – собиқ колхоз раиси. Шўро даврида жамоа хўжалиги раиси бўлган, асар персонажларидан бири айтгандек, “неча йил доврўқ солиб даврон сурган одам”, ҳозирда эса

“даври ўтган” оқсоқол. Адиб асар воқеаларини тасвирлаш жараёнида бот-бот “даври ўтган” иборасига тўхталиб, қаҳрамонлар нутқида ифодалайди.

Шу ўринда “даври ўтган” ибораси икки хил мазмун касб этганлигини англаш мумкин:

1. Маълумки, киноя ҳосил қилишда интонациянинг роли муҳимдир. Интонация ҳар қандай киноявий сўз воситасининг таъсир кучини икки баравар ошириб ифодалаш учун хизмат қилади. Шу билан бир қаторда инсоннинг туйғулари, интилишлари, мақсадлари бошқаларга интонация орқали тез етиб боради. Асарда образлар тилида келтирилган “даври ўтган” ибораси ним киноя тарзида ифодаланган. Жумладан, – Сиёсат қиладими, қилмайдими, даври ўтди-да энди^[3]; – Болта Мардоннинг даври ўтган!^[4] , – Ў-ў раис, катталигингни бошқага қиласан, хўпми? Давринг ўтди сенинг!^[5].

Асар қаҳрамони Болта Мардон ўз маҳалладошлари томонидан айтилган ушбу сўзлардан кўнгли ранжийди, ўйга толади. Умр бўйи барча сабий-ҳаракатлари шу халқининг фаровонлиги, равнақи, тараққий этишига сафарбар этилди. Аммо баъзи юртдошлари бу каби меҳнатларини унутиб, унинг “даври ўтганлигини” андишасизларча таъкидлашади. Бунда ёзувчи инсон меҳнатини қадрлаш, эъзозлаш сингари туйғуларни тарғиб этади ва ўқувчини мана шундай туйғуларни унутмасликка чақиради.

2. Киноя заминида ўз навбатида танқидий фикр билан бир қаторда ачиниш туйғуси ҳам ётади. Ушбу келтирилган “даври ўтган” иборасида инсон умрининг ўткинчилиги, лавозимининг омонатлигига ишора этилади.

– Неча йил доврўқ солиб даврон сурган одамнинг аҳволини кўринг – сув ёқалайман деб юрибди бугун!

– Ҳали бақувват-ат. Сиёсатини қаранг!

– Шу, сизнинг даврингиз ажаб зўр даврлар эканда, раис бобо!^[6];

Шундан англашиладики, бу дунёнинг ўткинчи эканлиги, бир лаҳзада инсонга берилган умр поёнига етиши ва мана шу қисқа вақт оралиғида инсон эзгу ишларни қилишга, эл-корига яраб, яхши ном қолдиришга даъват этади. Инсонга бир маротаба бериладиган бу умр давомида кўнгил амрига қулоқ

солиши, вақт ўтгач қилган амалларига афсус, надомат кўзи билан эмас шукуроналик ҳисси билан қарашга ишора этади.

Ёзувчи асар бошида КЎНГИЛга ишора этиб бошлашдаёқ бу янада теранлашади. Яъни ичкари хонада намоз ўқиб чиққан Болта Мардон супа лабида ўтириб, обдастан хотини Мусаллам опа қуяётган сувга қарар экан кеча кўрган тушини сўзлайди. “Тавба... Ажабо туш? Йигитлик даврим эмиш. Мана шу супада худди шу тахлит чўнкайиб ўтирган эмишман. Тепамда, отам, норози, танбеҳ бераётганмиш: тутни нимага кесдинг, бесўроқ? Сени мени тўйдириб, кийдириб турган шу эдику? Болалигингда ўзинг шохма-шох тирмашиб тут териб юардинг... Ҳе, ноинсоф”[⁷].

Ушбу келтирилган лавҳа асар қаҳрамонининг характерини очишга, воқеа-ходисаларни ёритишга ишорадир. Бунда “туш”, “тут”, “ота танбеҳи”, “болалик” каби тушунчалар қаҳрамонни ўйга толдирувчи, уни мушоҳадага, ҳаракатга ундовчи омил сифатида бўлиб, туш-ишора, тут-кўнгил, тириклик рамзи, ота танбеҳи-бурч, қатъийлик ҳамда болалик-ўтмиш хотираларига, ёшликка хос жўшқинлик фаслига ишорадир.

Болта Мардон отасининг норизо сўзларидан ўзини айбдор сезиб, боғ айлана бошлайди. Шунда боғидаги тут дарахтининг олдида бориб, шохлардаги баргларнинг сувсизликдан тўкилаётгани, гўё осмонга қўл чўзиб, фарёд чекаётганга ўхшайди. Сувсизликдан қуриган дарахт – умр заволининг тимсоли сифатида гавдаланади ва қаҳрамон қалбида гуноҳқорлик ҳиссини уйғотиб сув ёқалашга ундайди. Гўё ёзувчи инсон умрини дарахтга қиёс қилиб, дарахт баргларининг тўкилиш жараёнини тасниф қиладики, инсон умрининг поёни, бу ниҳоялаб бораётган умрда инсон кўнгил кечинмалари, олиб борган сабий-ҳаракатлари, ўз маҳалладошига, халқига қилган меҳнати ифодасини кўрсатиш мақсадида сув келтириш ҳодисасини юзага келтиради. Мана шу жараёнда ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрлар асар қаҳрамонларининг тили ва характерлари орқали ўз ифодасини топа бошлайди. Ёзувчи Болта Мардон характерини, қиёфасини, ички руҳий кечинмаларини асар воқеалари

давомида очиб боради ва ўқувчи кўз ўнгида асар қаҳрамонининг инсонпарварлик, жонкуярлик, камтарлик, садоқатлилик сингари фазилат соҳиби эканлигига ишонтиради. Шу билан бир қаторда Болта Мардон бошқа раисларга ўхшамасада (Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” асаридаги раис образи) яъни, ўқувчи раис образида қаҳри қаттиқ, заҳарҳанда, шухратпараст, ўз манфаати ҳамда ўз шаънига гард юқтирмаслик йўлида ҳеч нарсадан тап-тортмайдиган кийфани тасаввур этади. Аммо Болта Мардон бу каби раислардан тубдан фарқ қилади.

Асарда халқимизнинг асрлар давомида шаклланган камтарин ва оқилона турмуш тарзи, қишлоқ табиати, одамларнинг ўзаро муносабатлари маҳорат билан қаламга олинади. Болта Мардон характерининг яна бир ўзига хос хусусиятидан бири – бу янги давр эврилишларини, айниқса, ёшларнинг кўнгил оламини тўғри талқин эта олишидир. Ўз ўғли Ботирга кўнгил амрига кулоқ солиш, етти ўлчаб бир кесиш лозимлигини уқтириб ўтади: “Ботир гап бундай: шу, аммангнинг қизига кўнгилнинг бўлмас, очик айтавер, тўй қолади! Кўнгилнингга қара, болам! Лекин уйлансанг, шундай бировини топиб хотин қилгинки, сира-сира жонингга тегмасин! Неча йил ўтса ҳам! Бўлмаса, бу савдо – бир умрлик азоб. Шу гапим эсингдан чиқмасин”^[8].

Ушбу келтирилган парчада Болта Мардоннинг ҳаётий тажрибаси, қайсидир маънода аччиқ қисмати эди. У бутун умрини кўнгилга кулоқ солмай, кўнгилдан воқиф бўлмай, кўнгил амрига қарши ўтказиб юборганлигини англаб этади ва ўғлини бундай хатоларни такрорламасликка чақиради. Асарда Болта Мардон ўғли Ботирга айтган қуйидаги сўзларида кўнгил тубида яшириб юрган, уни умр бўйи қийнаб келган туйғуларини яққол кўрсата олган: “Тағин бир гап, ўғлим. Эртага бир кун орқамда қолмасин-да. Нолиган – ношукур дейдилар. Энангни айтаман-да, яхши хотин. Ювош. Ўзим ҳам ундан бирор ёмонлик кўрмадим. Лекин кўнгил қурғур ҳе-еч... Билмадим – нимага...”^[9].

Болта Мардон ўз аёлидан норизо эмас, аммо кўнгил аслида бошқада эди. Асарда Болта Мардоннинг аёли Мусаллам опа хокисор, маъсума, итоаткор ва бутун умри умр йўлдошига, фарзандларига бахшида бўлган меҳрибон аёл сифатида гавдаланади.

Ёзувчи асарда КЎНГИЛ тушунчасига алоҳида урғу берганлиги бежиз эмас. Инсон ташқи жихатидан қандай яратилишидан қатъий назар унинг кўнгли бор. Бу кўнгилда ҳайрат, муҳаббат, чексиз туйғулар мужассам. Аслида мана шулар эмасми инсоннинг бахти, бойлиги.

Асар қаҳрамонининг илк муҳаббати бўлган, лекин эри ўлиб, бева қолган, боғи харобга айланган, бефарзанд Шарофат билан мулоқотида қаҳрамон кўнгил изтиробларини кучайтириб, қалбида армон туйғусини юзага келтиради. Тушида кўрган тут дарахти Шарофатнинг уйида кўриши ҳам кўнгилга, ўтмиш хотираларга бир ишорадир.

Асарда мақол ва маталларнинг, ибораларнинг ўз ўрнида ишлатилиши, асарнинг янада жозибали, ўқимишли чиқишига замин ярата олган: – Балога қолган –сурнайчи^[10] , Яхшилик қилгину сувга от – балиқ билар, балиқ билмаса – холиқ билар^[11], – Йўл бўлсин, раис бобо? Бундай, лашкар тортиб...^[12], – Анови бегонасираброқ турган пасон – кенжасими? Тошкентда ўқийди-я? Сал кўпроқ ўкиб юбормадимми шу бола? Ё у ёқда... ^[13], Кафан текин деб ўлавериш экан-да ^[14].

Муаллифга хос услубнинг яна бир ўзига хослиги аввало асар мавзуси, қаҳрамон номи ва тилида рамзий кўпинча киноявий маъно мавжудлигида кўринади. Айниқса асар қаҳрамонларининг исмларини тўла ошкор этмай, балки унинг номини яширин ҳолда ифодалаб, характериға, ички маънавий, руҳий ҳолатига, касбига хос хусусиятларни инобатга олиб, киноявий сўзлар уйғунлигида номлайди. Мана шундай қаҳрамонлардан бири Ўрин Жага (Ўринбой).

– Қулоқ бошида Ўрин Жага ўтирибди...^[15] дея ёзувчи ушбу қаҳрамонни ғойибона таърифлашдан бошлайди. Қулоқбошига ўзини хўжайиндек тутувчи, ўша ўрин фақатгина ўзига тегишли эканлигини, куч билан эгаллаб,

раиснинг ўғринча экинзорига сув оқизиб, бошқаларни бундай маҳрум қилаётганлигини таърифлар экан ёзувчи қаҳрамон исмига (Ўрин) ишора сифатида талқин этади. Жага исмига ҳамоҳанг тарзда қўлланиб, кўрс, қўпол ёзувчи таъбири билан айтганда “ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йиллардаги худо урган безориси...” га гўё тахаллус қўйгандек киноя қилади ёзувчи.

Асар воқеалари давомида Ўрин Жагани ёзувчи маҳорат билан таърифлайдики, ўқувчи юзида беихтиёр кулгу зоҳир бўлади. Бу ҳам ёзувчининг истеъдодидан, киноявий услуб воситаларидан моҳирона фойдалана олиш маҳоратидан далолатдир. Сув коризнинг поёнидаги кўлсимон даҳанадан тақсимланади. Демак, тақсимотчи мироб ҳазилакам одам эмас. Ҳозир бу ерда Ўрин Жага хўжайин. Важоҳати чатоқ-да. Башарани хар хил чандиғу тиртиқ “безаган”. Оёқ-қўл ва баданнинг-ку соғ жойи йўқ – ватанга муҳаббатдан тортиб беҳисоб ишқ жафоларигача турли йўсинда ифодасини топган [16].

Болта Мардон билан қилган суҳбатида Ўрин Жагани оддий инсон эмаслигига киноя қилади:

- Раис эмиш! Жипирик! Ўзимнинг қўлимда катта бўлган.
- Сенинг қўлингда ўсганлар раис бўлиб кетаверса, ҳазилакам одам эмас экансан, Ўринбой! Билмай юрарканмиз-да.
- Нима деяпсиз, раис бобо, Тошкентларда паханлик қилганман-а! У ёғини ўзингиз биласиз...[17].

Умуман олганда адиб “Сув ёқалаб” асарида ўз олдида қўйган мақсад, унинг асл ғоявий-бадий нияти, фикримизча қуйидагилардан иборат:

- 1) асар қаҳрамонлари тимсолида ҳаёт ходисаларини янгича талқин қилиб, бугунги кун кишиларининг дунёқарашидаги ўзгаришлар ҳамда миллатимизга хос бўлган одамгарчилик, меҳнатсеварлик, саховатпешалик, ҳалоллик сингари тушунчаларни тарғиб этиш;
- 2) асар қаҳрамонларининг тили ва характерлари воситасида мустамлакачилик сиёсатини, ижтимоий қонунчиликнинг бузилиши,

эрксизлик ва адолатсизликни вужудга келтирган омилларни кескин қоралашга интилиш;

3) бугунги кун ёшларининг ўй-мушоҳадалари, инсон кўнгил кечинмалари ва ҳаёт фалсафасидан баҳс этади.

Хуллас адиб инсоният ҳаётини нозик тасвирлайди ҳамда киноявий услуб масаласи ижодкорнинг эстетик идеалини бадиий маҳорат қирраларини номоён этувчи ифода воситаси сифатида Эркин Аъзам ижодида алоҳида ўринга эга.

RESUME

There has been shown in the article an allegorical description of the events in the composition of the writer Erkin Azam "Suv yoqalab" ("Alongside the water"). The events are being told with chaffing, allegory, caustic comments by the heroes of the story. There have been used many phrases and proverbs in the article. There are many images in the composition such as Bolta Mardon, Urinboy, Bozorboy, Botir and the author tries to show the importance of the symbolic meaning of chaffing, allegory, caustic comments in description of the heroes' character. In addition, it was shown the importance of belles-lettres fiction in educating young people.

Key words: Rare feelings, soul, true model, perfection, self-comprehension, sour allegory, inherent in nations, essence.

РЕЗЮМЕ

Там был показан в статье аллегорическое описание событий в композиции автор Erkin Azam "Suv yoqalab" ("Бок о бок вода"). Событиям говорят с насмешкой, аллегория, едкие комментарии героями истории. Там были использованы много фраз и пословицы в статье. Есть много изображений в композиции как например Bolta Mardon, Urinboy, Bozorboy, Botir и автор пробует показать важность символического значения насмешки, аллегория, едкие комментарии в описании характера героев'. Кроме того, была показана важность вымысла беллетристики в обучении молодежи.

Ключевые слова: Редкие чувства, дух, истинная модель, совершенство, понимание себя, кислая аллегория, свойственный в нациях, сущность.

АДАБИЁТЛАР:

1. Расулов А. Туғдонавор матн. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 2010, 6 август, № 32-сон, 3-бет.
2. Улуғов А. Жаннат ўзи қайдадир?. Хуррият газетаси. 2009, 27 июнь.
3. Аъзам Э. Сув ёқалаб. “Жаннат ўзи қайдадир”., “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.— Тошкент. 2007. (63-,66-,72-,68-,57-,58-,87-,88-,59-,62-,63-,72-,63-,65-,66- ва 69-бетлар)